



ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 36 (996) • 2014-yil, 5-sentabr, juma

Юртимиздаги ўзгаришлар

ҳаммамизга ифтихор бағишлайди

➤ Муносабат

Мамлакатимизда Истиқлол айёми умумхалқ шоҳиднаси сифатида кенг нишонланди. Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган байрам тантанаси, Юртбошимизнинг табрик сўзи халқимизни беқиёс даражада руҳлантириб юборди, дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳам зўр қизиқиш билан тингланди. Партияимиз фаоллари ҳам табрикка ўз муносабатларини билдирмоқдалар.

Собир ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси раҳбари:

— Миллат тақдирини янги саҳифа очган, жамиятнинг жон ва қон томирларига янги маъно-мазмун бахш этган, буюк аждодларимизнинг орзу-умидларини рўйбга чиқарган бу улуг кунни ҳар қанча эъозласак, ундан фахрлансак арзийди.

Бугун кўз ўнгимиздан кураш ва интилишларга тўла йигирма уч йиллик ҳаётимиз, ташвишли, ҳаяжонли дамлар, энг оғир, мураккаб вазиятларда ҳам ўзгаришларни, ишончимизни йўқотмай, сабр-бардош, аҳил-иноқлик билан иш тутганимиз, эришган оламшумул ғалабаларимиз, мустақил давлат сифатидаги илк қадамларимиз ҳамда бугунги залворли юришларимиз ўз ифодасини топмоқда. Мустақиллик биз ва келажак авлодлар учун тарихий бурилиш, ўзликка қайтишнинг тарихий нуқтаси бўлиб қолди десак, муболаға бўлмайди.

Кун кеча эмасми — мустақиллик исқанжасида яшаганимиз, ўзгаришларни йўқотаётганимиз, тарихимиз қора доғлару сохта айбловларга тўлиб кетгани, гуруримиз таҳқирлангани, машаққатли меҳнатимиз самарасини кўрмай юрган пайтларимиз, даламига нима экин экинни, иморатни қанча баландликда қуришни ҳам марказдан сўрашга, ижозат олишга мажбур бўлганимиз.

Мустақиллик — улуг неъмат, бебаҳо бойлик, энг аввало, ҳуқуқ эканлигини юртдошларимиз чуқур англаб етдилар. Мустақиллик ҳаётимизни, дунёқарашимизни ўзгартирди. Дунёга, ён-атрофимизга янада теран назар ташлашга ўргатди. Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилмади. Қанча дово-лар, хавфу хатарлар, тўсиқлар, қийинчиликлар... Истиқлолнинг илк йиллариданоқ олиб борилган доно сиёсат, халқимизнинг матонати бу тўсиқларнинг барчасини мардонавор енгиб ўтиш имконини берди. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг мазмун-моҳиятида халқимиз оқилолиги ва фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсад мўҳассам эди. Бугун бунёдкорлик, яратувчанлик куч-гайрати билан яшаётганимиз, эзгу орзу-умидлар ҳаваси билан нафас олаётганимизнинг асл сабаби ҳам шунда...

Юртбошимизнинг истиқлолимизнинг 23 йиллигига бағишланган байрам табригида тилга олинган залворли рақамларга эътибор беринг!

2 ➤

Юксак мукофот муборак!



Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида анъанага бинан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра Ватанимиз мустақиллигини мустақамлаш,



миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзгаришларни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Улар орасида Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзолари ҳам борлиги бизни мамнун этади.

Жумладан, «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг кўп йиллик аъзоси, партияимиз фаоли, таниқли адиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси **Муҳаммад Али «Эл-юрт ҳурмати»** ордени билан мукофотланди. Яна бир партиядошимиз **Женисбек Пиязов эса Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист** унвони билан тақдирланди.

Биз «Адолат»чилар партиядошларимизни юксак мукофот билан чин дилдан қўлайимиз. Бу икки ижодкордан бундан кейин ҳам мустақиллигимизни мустақамлашга ўзининг ҳиссасини қўшадиган, маънавиятимизни юксалтирадиган, қомил инсонларни тарбиялаб етиштирадиган янги-янги асарларни кутиб қоламиз!

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши



«Бахт уйи» — янги бинода

Қарши шаҳрида қурилиш архитектураси жиҳатидан замонавий ва миллий меъморий ечимга эга «Бахт уйи» — фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими (ФҲДЁ)нинг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Янги «Бахт уйи»нинг очиш маросимида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган кенг кўламли ишлар жараёнида барча соҳалар, тизим ва тузилмалар, хусусан, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими моддий-техник базасини мустақамлаш, соҳа ходимларининг самарали меҳнат қилиши учун зарур ва қулай шароитлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган таъкидланди.

— Қарийб 2,5 миллиард сўм сарфланган янги бинода маросимлар зали, туғилиш ва никоҳни қайд этиш, банк бўлими, нотариус хизмати ва бошқа хоналар мавжуд, — дейди Қарши шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими бошлиғи Насиба Эшонқуллова. — Давлатимиз томонидан яратиб берилган бундай шароитлар бизни янада фаол бўлишга, ишимиз сифати ва самарадорлигини оширишга ундайди.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими биноси қурилиши муносабати билан унинг атрофида ҳам бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, иккита рангли фаввора, автомобиллар тўхташ жойи, тунги ёритиш тизими ўрнатилган йўлаклар барпо этилди.

Тадбир доирасида 23 жуфт келин-куёвга никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома топширилди.

Тадбирда Қашқадарё вилояти ҳокими З.Рўзиев сўзга чиқди.

Ў.БАРОВ, ЎЗА мухбири
Ж.НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган суратлар

➤ Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг, қандай буюк мероснинг ворисларимиз!!

Халқ тарихи бамисоли чўққилари булутларга туташ улкан тоғ. Эҳтимол, бағрида яшаб туриб, унинг буюклигини тўлақонли англаб, ҳис этиб бўлмас. Зеро, шоир айтганидай, ҳар нарса йироқдан кўринар аён.

Биз мана шундай буюк тарихга, инсоният осмониди юлдуз бўлиб порлаётган буюк алломаларга эга халқимиз. Бу билан ҳар қанча фахрлансак, гурурлансак арзийди. Энг муҳими эса, шубҳасиз, бизнинг улуг аждодларимизга муносиб авлодлар бўла олишимизда...

2 ➤

Аждодларга муносиб ворислар



Алишер ОТАБОВ:

«Саҳна — муқаддас...»

➤ Таҳририят меҳмони

Бахт нима? Бу саволга турлича жавоб оласиз. Кимдир бахтни тинимсиз меҳнати эвазига топилган бойликда деб билса, яна кимдир уни эришган марралари-ю, қозонган ҳурмат-этиборида, деб тушунади. Сўхбатдошимиз ижро этган қаҳрамонларидан бири бадавлат дўстига қарата: «Тўртта фарзандим бўлади-ю, мен қийна-ламанми, ахир, менинг бойлигим ҳам, бахтим ҳам оилам, мендан бахтли инсон бўлмаса керак?»

дейди. Бу халқимизнинг дилидаги гап десак, янглишмаган бўламиз.

Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида пойтахтимиздаги мусиқали драма театрида ҳамда кино соҳасида яратган юзга яқин роллари билан халқимизнинг назарига тушиб улгурган сеvimли актёримиз Алишер Отабев Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлди.

7 ➤

Сессия таклифни маъқуллади

ижро назоратга олинди

➤ Депутатлик гуруҳларида

Электоратнинг турмушига дахлдор ижтимоий муаммоларни вақтида аниқлаш ва уларга мос ечимлар топилганда, ислохотлар жараёнидаги сунъий тўсиқларни бартараф этишда сиёсий партиялар ҳамда уларнинг маҳаллий ҳокимиятдаги вакиллари бўлган депутатлар зиммасига алоҳида масъулият юклатилган. Бу ўз навбатида, партия кенгашлари ва депутатларнинг электорат манфаатларини ҳимоя қилиш орқали сиёсий мақсадларини амалга оширишда янада қатъият, ҳамжиҳатлик кўрсатишларини тақозо этади.

3 ➤

Олган ҳам, берган ҳам, воситачилик қилган ҳам

Инвесторларнинг жазоланади маблағлари

ишончли қўлларда бошқарилади 2

жазоланади порахўрлик жиноятлари учун жавобгарлик янада тақомиллаштирилди 6



Инвесторларнинг маблағлари ишончли қўлларда бошқарилади

Фракция ишчи гуруҳи йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига янги қонун лойиҳаси киритилди. Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилишида "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини қўйи палатада қўриб чиқиш масаласи муҳокама этилди.

Депутатлар, олимлар ва партия экспертлари иштирок этган йиғилишда таъкидланганидек, "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг "Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодий-нигиберилаштириш борасида Хукумат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури"да белгиланган инвесторларга қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш, солиқ органлари ва бошқа назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларини содда-лаштириш, улар учун ташкил савдо операцияларини расмийлаштириш бўйича ортқича тартиб-таомилларни бар-тароф этиш борасидаги вазифалар, шунингдек, пай фондларини ташкил этиш фаолияти, уларни қайта ташкил қилиш ва тугатишга доир қоидалар Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган ушбу янги қонун лойиҳасида ўз ифодасини топмоқда.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида халқаро амалиёт тўлиқ ўрганилди, хусусан, АҚШ, Германия, Корея, Россия ва бошқа давлатларнинг инвестиция ва пай фондлари фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари таҳлил қилинди. Қонун лойиҳаси нормалари ушбу соҳадаги энг яхши халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди.

Муҳокамаалар жараёнида ишчи гуруҳи аъзолари аввало қонун лойиҳасининг мақсади ва унда келтирилаётган атамаларнинг мазмун-моҳиятига муҳим эътибор қаратдилар. Қайд этилишича, инвестиция ва пай фондлари деганда — аҳоли пул маблағлари ва бошқа активларни профессионал менежерларга бошқариш учун топшириш механизми тушунилади. Минглаб инвесторларнинг маблағларидан ҳар бир инвесторнинг инвестициясига мутаносиб равишда улуши бўлган, профессионал бошқарув, диверсификация, харамишлатириш бўйича ортқича тартиб-таомилларни бар-тароф этиш борасидаги вазифалар, шунингдек, пай фондларини ташкил этиш фаолияти, уларни қайта ташкил қилиш ва тугатишга доир қоидалар Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган ушбу янги қонун лойиҳасида ўз ифодасини топмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида пай фонди тушунчасига таъриф ва уни ташкил этиш тартиби белги-ланмаганлиги сабабли республикада ҳозирги кунга қадар юқори инвестиция потенциали жалб қилинмай келинмоқда.

Янги қонун лойиҳасида эса соҳага доир асосий тушунчалар, инвестиция ва пай фондларига нисбатан қўлланиладиган бошқа талаблар, уларни ташкил этиш, фаолияти, уларни қайта ташкил қилиш ва тугатиш ҳамда фондлар фаолиятини тартибга солишга доир қоидалар белги-ланмоқда.



Юртимиздаги ўзгаришлар ҳаммамизга ифтихор бағишлайди

Давоми. Бошиқ 1-бетда

Мустақил тараққий йилларида мамлакатимиз иқтисодий тахминан 5 қарра, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 3,7 мартага ўсгани, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ошганининг далили бўлиш одамларимизнинг жон бошига оладиган даромадлари 8,7 баробар кўпайгани юртимизнинг қисқа даврда кечгани, ўзини боқиб қурб етмаган республикадан тез суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий давлатга айланганининг яққол тасдиғидир.

Ақмал САМЕДЖАНОВ, халқ депутати Чирчиқ шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутати:

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Мустақиллик тантаналарига бағишланган маърузасини тинглар эканман, тинч-тоғу, аҳил-иноқ Ўзбекистонда яшаётганимдан беҳад гурурланаман. Бу ёрғун дунёда энг катта бойлик бу — эл-юртнинг тинчлиги, одамлар орасидаги меҳр-оқибат, ҳурмат-эҳтиром десам, янглишмаган бўламан. Юртбошимиз бу сўзларга беҳиз эътибор қаратгани йўқ. Бугун жаҳон айвонида содир бўлаётган воқеаларни, зиддият ва жанг жадалларни кўриб, кузатиб эдинг жимирлаб кетади. Шунда мустақил, овоз ва обод, ўзи танлаган йўлидан буюк келажак сари дадил одамларнинг Ўзбекистонда яшаётганингга шукрона келтирасан.

Юртбошимиз ўз маърузаларида яна бир бор ёшлар сиёсати давлатимиз эътиборида эканлигини таъкидладилар. Биз билдириладиган бундай самимий меҳр ортида халқимизнинг, барча ота-оналарнинг орзу-хаваслари, эртанги умидлари борлигини яхши ҳис қиламан.

Ёшлари заковатли, ҳаракатчан бўлмаган миллатнинг эртаси ҳам бўлмайди. Ҳозир қай бир истеъдод соҳиб билан учрашманг, суҳбатлашманг, кўпроқ билимимни оширсам, замонавий илмларни пухта эгаллаб, ҳеч кимдан кам бўлмасам, дейди. Нега? Ёшлар билими бўлса, эртага мамлакатни шулар қўлида, миллат обрўсига обрў олиб келади. Соғлом бола йилида "Ўзбекистон фарзандиман", деган ҳар бир ёш шулар қақда ўйлаши керак. Чунки бизга берилган ишонч шунини тақозо этмоқда.

Шунга яраша биз ёшлар ҳам мустақил фикрлайдиган, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қарайдиган, ўзининг қатъий ҳаётий эътиқоди ва қарашларига эга, миллий менталитетимизга ёт таъсирларга қарши туришга қодир ёшларни тарбиялашга, атрофимизда жипслаштиришга масъулмиз. Яна бир эзгу мақсадимиз ўз иш ўрнимизда ҳалол, жон куйдириб меҳнат қилган ҳолда тенгдошларимизга ибрат вазифасини ўташдир. Бу эса кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ўтиш жараёни янада тезлашишига биз «адолат»чиларнинг қўшган муносиб ҳиссамиз бўлиши шубҳасиз.

Амир Темури бобомизнинг «Халқимиз, миллатимиз дардларига дармон бўлмоқ барчамизнинг муқаддас бурчимиздир» деган ҳикматли гаплари бор, мен ҳар бир тенгдошимиз унга амал қилишни хоҳлайман. Шу билан бирга, бугунги ёшларга қарата: мустақил юрт фарзанди эканингиздан ҳар доим гурурланинг, дейман. Чунки Президентимиз айтганидек, эртанги кун бизники, келажак бизники!

Алишер АКРОМОВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси: — Пойтахтимизда ўтган байрамни қаранг! Одам ҳаяжонланиб, энтиқиб кетади. Байрамда Юртбошимиз айтган сўзларнинг маъини қақинг... Одамга бундан ортқ нима керак асли...

Шундай тинч, обод юрда яшаётганимиздан гурурланмай бўладими ахир? Байрам кимга ярашади? Тинчлиги барқарор, одамларнинг кўнгли хотиржам, фарзандлари иззатда бўлган халққа ярашади. Биз эса, шурки, шундай халқмиз.

Афсуски, чексиз-чегарасиз коинот бағридаги шу миттигина она сайёрамизда бугунги кунда, XXI асрнинг ўн тўртинчи йилга келиб ҳам халқлар ва миллатлар, тузумлар ва давлатлар ўртасидаги ихтилоф-зиддиятлар етарли. Дунёнинг айрим ҳудудларидаги «оловли нукталар» қамайиб ўрнига, кўпайиб бораётгандай. Атроф мамлакатлардаги беқарорликлар, ихтилофлар нима берди? Очлик, яланғочлик, муҳтожлик, сон-саноксиз қурбонлар...

Шурки, тинчлик-осойишталик барқарор, жаннатмонанд юрда яшамоқдамиз. Шундай экан, бундай фаровонликнинг, тўқин-сочинликнинг, хотиржамликнинг қадрига етишимиз керак. Тинч ва осойишта ҳаёт ўз-ўзидан таъминланмайди, албатта. Бунинг учун ҳар биримиз ватанпарвар, шу эл-юрт равнақи учун ёниб-қуйиб ишлайдиган фидойилар бўлишимиз лозим. Назаримда, Президентимизнинг маърузаларидан келиб чиқадиган қимматли хулосалардан бири шу.

Аждодларга муносиб ворислар

Давоми. Бошиқ 1-бетда

Вилоятимизнинг Янгиарик тумани марказидаги 40-умумтаълим мактабида янги ўқув йили муносабати билан ташкил этилган "Мустақиллик дарслари"да ҳаяжон билан иштирок этарканман, кўнглимдан мана шундай ўйлар кечди. Менинг назаримда, айнан мустақиллик йилларида камол топаётган авлод, бизнинг ўғил-қизларимиз, жажжи фарзандларимиз ўз мушоадалари, тафаккурлари билан мозийда яшаб ўтган аждодларимизга муносиб авлод бўла олади.



Албатта, бундай хулосага келишим беҳиз эмас. Тасаввур этасизми, биз мактаб директори Ширин Эгамбердиева, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Раиса Султонова билан мактабнинг инглиз тилига ихтисослашган 1-синфда "Мустақиллик дарси"ни ўтказдик.

Мен болаларга Юртбошимиз Ислам Каримовнинг шу йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Урта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциядаги маърузаси ҳақида гапириб бердим.

Мени ҳайратга солган ҳолат шу бўлдики, энди мактабга қадам қўйган жажжи болаларимиз ўзларининг фикрларини эркин тарзда инглиз тилида ифода қилишга қодир бўлишди. Энди бу билан фарзандларимиз жуда қисқа муддат ичида хориж тилларини нақадар

додларимиз билан фахрланишимиз, гурурланшимиз керак", деб айтман. Айни вақтда "Фақат гурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинлар, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!" деб тақдорлайман.

"Мустақиллик дарси" якунида мактабга илк бор қадам қўйган ўқувчиларга Президентимиз совғаси — дарсликлар, мактаб анжомларидан иборат тўпламни топширдик. Тўпламдаги барча ўқув қуроллари болаларимизнинг тафаккури, дунёқарашига мослиги, уларни тайёрлашда маънавий-ахлоқий метёралар, санитария-гигиена талаблари қатъий амал қилингани ҳам бизни мамнун этди.

АХБОРОТ АЛМАШИНИШ МАЙДОНИ

Жорий йилнинг 10-12 сентябрида пойтахтимиздаги "ЎзЭкспоМарказ"да "Тўқимачилик ускуналари ва машинасозлик — 2014" XIX Марказий Осиё халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

САГМЕ деб номланувчи мазкур кўргазма энгил саноат технологиялари ва ускуналарини Марказий Осиё ва МДХ мамлакатларида намоён қилувчи ихтисослаштирилган халқаро тадбирдир.

Унда тугма ишлаб чиқаришдан тартиб тўқимачилик саноати тармоғида кенг қўлланиладиган барча турдаги асбоб ва ускуналар тақдими бўлиб ўтди. Шунингдек, кўргазма доирасида мазкур соҳада атроф-муҳит муҳофазаси масаласи муҳокама қилиниши режалаштирилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, САГМЕ — тўқимачилик машинасозлиги ва технологиялари соҳасида энг сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиш, бугун дунёдан келган мутахассислар билан яқиндан танишиш имкониятига эга тадбир ҳисобланади.


ЯНГИ НИМСТАНЦИЯ ИШГА ТУШДИ

Наманган вилояти Норин туманида 10 минг 300 нафар аҳолининг электр энергияси билан таъминлайдиган нимстанция ишга туширилди.

Туманининг Ҳаққулобод шаҳрида умумий қуввати 16,3 мВА бўлган, икки трансформаторли "Камолот" нимстанцияси фойдаланишга топширилди.

Намnews.uz сайтида келтирилишича, мазкур йирик ишоот 6 миллиард 744,2 миллион сўм маблағ эвазига қуриб битказилди. Бунинг натижасида 133 та улуржи ва 10 минг 300 нафар аҳоли истеъмолчилар электр энергияси билан таъминланишига эришилди.

Барногул САПАЕВА, Ўзбекистон "Адолат" СДП Янгиарик тумани кенгаши раиси



Суратда: В.Анан, Т.Турдалиева ва Р.Қосимжонова.

Ақл машқида чархланган иқтидор эгаси

Мен ҳам мустақиллик тенгдоши эканимдан, юртимизда кечаётган ўзгаришлар, барча соҳалардаги ислохотлар ва уларнинг натижаси ўлароқ, мамлакатимизнинг жаҳонда ўз ўрнига эга бўлишининг гувоҳи бўлиб турганимдан жуда бахтиёрман.

Қашқадарё вилоятининг сўлим гўшаларидан бирида туғилганим сабаблим, ёшлигимдан расомлик, архитектура

бирга, шахмат бўйича халқаро мусобақаларда ҳам юқори ўринларни эгаллашим юқоридаги фикрим далилидир. Шахматда эришган муваффақиятларим туфайли «Спорт устаси номзоди» ва «ФИДЕ халқаро тоифадаги хаками» унвонларига сазовор бўлдим. Ҳозирда тажрибали мураббий Лариса Пинчук билан бирга машгулотлар олиб бораяпман.

2013 йил мен учун жуда омадли келди. Чунки шу йилда

5 ёшимдан шахматга меҳр қўйиб, тўғрақларга қатнашиб келаман. Бу ақл гимнастикаси саналган спорт тури теран фикрлашни, тафаккурни бойишига катта ёрдам беради. Ўз устимда тинимсиз ишлашим, олдимга қўйган мақсадлар сари олға интилишим ўз самарасини берди ва шахмат бўйича Франция, Италия, Греция, Эрон, Ҳиндистон, Чехия ва МДҲ мамлакатларида бўлган мусобақаларда қатор ғалабаларни қўлга киритдим.

торликка қизиқишим катта бўлган. Шу туфайли, мактабда ўқиш давомида ўзимда шу касбга бўлган иқтидоримни шакллантирдим ва тўққиз йиллик таълимдан сўнг Республика рассомлик коллежининг графика йўналишига ҳужжат топширдим. Коллежда тасвирий санъат йўналишида устозим Абдулазиз Акбархўжаев қўл остида ўз маҳоратимни ошириб бордим. Ёшларнинг илм олиши, ўз устида тинимсиз изланиши учун яратилган кенг имкониятлардан фойдаланиб, республика ёш рассомлар кўрик-танловида голибликни қўлга кiritиб, Тошкент архитектура-қурилиш институтига имтиёзли равишда қабул қилиндим. Албатта, бу камтарона ютуқларга устозларим, ота-онам, энг аввало, шу муқаддас, жаннатмакон юртда туғилиб, ўсганим сабаб эришдим.

Ёшлиқда бола табиатан ўта қизиқувчан бўлади. Шу боис бўлса керак, болалигимда спортнинг теннис, сузиш турлари билан астойдил шуғулланганман. Айниқса, 5 ёшимдан шахматга меҳр қўйиб, тўғрақларга қатнашиб келаман. Бу ақл гимнастикаси саналган спорт тури теран фикрлаш орқали тафаккурнинг бойишига катта ёрдам беради. Ўз устимда тинимсиз ишлашим, олдимга қўйган мақсадлар сари олға интилишим ўз самарасини берди ва шахмат бўйича Франция, Италия, Греция, Эрон, Ҳиндистон, Чехия ва МДҲ мамлакатларида бўлган мусобақаларда қатор ғалабаларни қўлга киритдим.

Спорт ва таълимни уйғун равишда бирга олиб бориш менга жуда қулай. Чунки бу бўш вақтимни мазмунли ўтказишга ва дунёқарашимни шакллантиришга катта ёрдам беради. Бунга мисол, 2011 йил архитектура ва дизайн йўналишида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган фан олимпиадасида иккинчи ўринга, 2012 йилда эса дизайн йўналиши бўйича биринчи ўринга муносиб, деб топилдим. Шу билан

«Маданият, санъат, спорт» йўналишида Президент стипендиясига сазовор бўлдим. Шу нарсага яна бир бор амин бўлдимки, юртимизда ҳар қандай иқтидор эгаси борки, эътибордан четда қолмайди, унинг изланишлари албатта ўз самарасини беради. Бу эса мен учун чексиз фахр ва ифтихор бағишлайди.

Тил билган эл билади, дейишади. Мен ҳам кўпгина юртларни кезиб, чет эллик ҳамкасбларим билан эркин суҳбатлашиб истагида инглиз ва немис тилларини пухта ўргандим. Магистрлик илмий ишимни «Архитектура муҳитини ташкил этишда архитектуравий шакл ва чирок дизайни уйғунлиги» мавзусида ҳимоя қилдим. Ҳозирда хитой тилини ўзлаштириш билан бирга ижодий архитектура лойиҳалари устида иш олиб бораяпман. Ахир, инсонни маънавият, маърифат беазайди, деб бежизга айтмайдилар.

Инсонга берилган ақл-заковат бу — қудратли неъмат. Шундан келиб чиқиб, мен ўзимда янги қирраларни кашф қилишга интиламан. Албатта, Ватан қорига ярайдиган фарзанд бўлиб, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам ўз ўрнини топишга, бу борадаги қизиқишларимни Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси сифатида намоён этишга ҳаракат қилаётганимни ҳам айтиб ўтишни лозим, деб биламан.

Алоҳида таъкидлашни истардимки, «Куч — адолатда» шiori ҳаётимда доимо йўлдошдир. Шу боис, партия сафига қўшилиб, Ватан тараққиёти ва юрт равнақи йўлида хизмат қилишга, партия голярини тарғиб этишда фаол иштирок этишга аҳд қилдим. Зеро, биз ёшлар янада улкан мақсадлар сари интилсак, турли голя ва лойиҳаларнинг ташаббускори бўлсаккина юртимиз ривожига ҳисса қўшган бўлаемиз.

Тахмина ТУРДАЛИЕВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси,
Тошкент шаҳри

Инсонпарварлик тамойилига асосланган демократик жамият барпо этилмоқда

➤ Адлия минбари

Мустақиллик йилларида ҳаётга татбиқ этилган «ўзбек модели»нинг машҳур беш тамойили мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, тадрижий раванқ топтириш, Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг юксак барқарор суръатларига эришиш, аҳоли фаровонлигини муттасил ошириб бориш имконини бермоқда. Шуларга уйғун тарзда Ватанимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари қафолатланган. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви янада демократлаштирилмоқда. Марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ҳамда вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари кучайтирилмоқда. Суд-ҳуқуқ тизими тобора либераллаштирилмоқда. Фуқаролик жамияти институтлари ривожланиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси мустақиллигимиз, демократик тараққиёт ва ижтимоий адолат таянчи бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳаётбахш нормалари ҳаётимизга самарали татбиқ этилаётгани натижасидир.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси юртимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотларининг учинчи босқичида муҳим дастурлаш бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур Концепциянинг суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этишга қаратилган иккинчи бўлимида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга изчил татбиқ қилиниши натижасида «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қонунининг учинчи босқичида муҳим дастурлаш бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 сентябрдаги

«Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қонунининг учинчи босқичида муҳим дастурлаш бўлиб хизмат қилмоқда.

«Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қонунининг учинчи босқичида муҳим дастурлаш бўлиб хизмат қилмоқда.

Сифатли тиббий ёрдам масаласи

янги дастурдан ҳам ўрин олиши мақсадга мувофиқ

➤ Сайловчи сўз сўрайди

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва барқамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ушбу мақсадда кенг қўламли умуммиллий дастурлар доирасида амалга оширилаётган изчил ишлар халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

Юртимизда инсон манфаатлари энг олий қадрият экани тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотларда, худудларимизда барпо этилаётган замонавий тиббиёт масканлари фаолиятида, айниқса, мактаб ва мактабга таълим муассасаларида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш сифати ошиб бораётгани мисолида янада яққол кўзга ташланмоқда.

Баъзи мамлакатларда, шу жумладан, айрим ривожланган давлатларда ҳам соғлиқни сақлаш муассасалари, асосан шаҳарларда жойлашганлиги туфайли қишлоқ аҳолиси тиббий хизматлардан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келади. Мамлакатимизда яратилган миллий моделнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, энг чекка ҳудудда яшовчи аҳолига ҳам худди шаҳарлардаги каби бир хилда малакали тиббий ёрдам кўрсатиш назарда тутилган. Шунинг барорида, таълим муассасаларида ҳам тиббиёт хоналарининг ташкил этилаётгани, тиббиёт хамшираси штати жорий қилинаётгани барқамол авлодни вояга етказиш йўлидаги муҳим қадам дейиш мумкин.

Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам яқиндан кўмаклашмоқда.

Партияимиз сайловолди дастурида мактаб ва мактабга таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини мустаҳкамлаш, болалар парвариши бўйича давлат томонидан ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга йўналтириши белгиланган.

Ушбу дастурий вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида партия Сиёсий Кенгаши томонидан жойларда ўтказилаётган «Шаҳар ва қишлоқда бир хил шароит» лойиҳасининг ўрни катта, деб ўйлайман. Лойиҳа доирасида «Мактаб ва мактабга таълим муассасаларида болаларни тиббий хизмат билан таъминлаш тизимини мустаҳкамлаш» мавзусида жойларда давра суҳбатлари ташкил этилаётгани, уларда профилактик чора-тадбирларни янада кучайтириш, ўқувчи-ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, таълим муассасаларида болаларни малакали тиббий хизматлар билан таъминлаш масалалари ўрганилаётгани, учраётган муаммо ва камчиликлар жамлашиб, тақлифлар тай-

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида» қонунининг қабул қилиниши тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий қафолатларини яратди.

Маълумки, ҳуқуқий демократик давлатда норма ижодкорлиги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда асосий омил ҳисобланади. Янги тақрирдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» қонунининг қабул қилиниши норма ижодкорлиги шаклланишининг янги погоналарини белгилаб бериб, ушбу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратди.

Бундан ташқари, суд-ҳуқуқ ислохотларининг учинчи босқичида суд тизимидаги кадрлар салоҳиятини такомиллаштириш, судлар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.

Юртимизнинг 2012 йил 2 августда қабул қилинган «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиши тўғрисида» қонунининг учинчи босқичида муҳим дастурлаш бўлиб хизмат қилмоқда.

Фармонда судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг тегишли равишда Адлия вазирлиги ҳузуринда Юристар малакасини ошириш марказида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳужалик судида мажбурий тайёрларлик ва стажировка ўташлари назарда тутилганлиги ҳам бежиз эмас. Бундай тартиб белгиланиши судьялар-

нинг назарий ва амалий билимларини ҳамда касб малакаларини тобора ошириб бориш, ўз олдидан қўйилган одил судловни амалга оширишдек ўта масъулиятли вазифани халол ва поклик билан бажаришларида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Бу ҳужжатда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурини тасдиқлаш белгиланганлиги эса фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқларини қафолатлаш ҳамда суд тизимининг ошқоралиги ва очиклигини таъминлашни қафолатлади.

Судья кадрларини танлаш, тайёрлаш ва лавозимга кўрсатиш тизимини ислоҳ қилиниши янада шакллантириш мақсадида Юртимизнинг 2012 йил 30 ноябрда қабул қилинган «Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» қонунининг суд-ҳуқуқ ислохотларида салмоғи юқоридир.

Мазкур Фармонга мувофиқ фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳамда ҳужалик судининг судьяси лавозимига ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича, авваломбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йил иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тайинланиши мумкинлиги белгиланган. Бу эса фуқаролик жамиятининг муҳим шартларидан бири бўлмиш одиллик принципини янада мустаҳкамлади.

Ўзбекистон Республикасининг жорий йил 21 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қонунини билан «Аҳоли иш билан таъминлаш тўғрисида» қонунининг «Судлар тўғрисида» қонунлари ҳамда Меҳнат кодексига судьялик лавози-

мига сайланганлиги ёки тайинланганлиги туфайли ишдан озод қилинган шахсларга уларнинг ваколатлари туғанидан кейин судьялик лавозимига сайланишига ёки тайинланишига қадар эгаллаб турган аввалги иши (лавозими) берилиши, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаганда эса, аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилиши тўғрисида норма ўзгартиш ва қўшимча сифатида киритилди.

Суд-ҳуқуқ ислохотларининг тадрижий давоми ҳисобланган «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида» қонунининг ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида қонун билан янги тахрирда тасдиқланган «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида» қонунининг «Судлар тўғрисида» қонунига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида тубдан қайта ишлаб чиқилди.

Ушбу низоимнинг алоҳида боб ва моддаларида судьяларнинг малака ҳайъатларини сайлаш тартиблари, уларнинг фаолиятини ташкил этиш ва ваколатлари, судьялар малака ҳайъатларининг биринчи марта судьялик лавозимларига тайинланган номзодлар захирасини шакллантиришдаги иштироки, судьяларни янги ваколат мuddатида ва бошқа судьялик лавозимларига кўрсатиш тартиблари тўла-тўқис белгилаб берилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ушбу ислохотлар замирида мамлакатимизда яшайётган ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг эзгу ниятларини рўйба чикариш, пировардида инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик жамиятни барпо этиш мақсади муваффақият билан қилинган.

Худобер МАМАТОВ,
юридик фанлари доктори



➤ Қўшма корхоналар

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги шодиёнлари давом этаётган шу кунларда «Жиззах» махсус индустриал зонасида «Қуёш иссиқлик энергияси» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси иш бошлади.

Янги корхона иш бошлади

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида яратилаётган қўлай инвестиция ва ишбилармонлик муҳити туфайли иқтисодиётимизга киритилаётган хорижий сармоялар ҳамма йилда барқарор ўсиб бораётган. Инвестиция дастурларини амалга ошириш натижасида янги-янги корхоналар ишга туширилиб, қўшимча иш ўринлари яратилмоқда.

Хитойнинг «Hangzhou zhongyi electronic meters co.Ltd» компанияси ҳамда «Жиззах худудий электр тармоқлари корхонаси» очик акциядорлик жамияти, «Электрон ҳисоблагич» масъулия чекланган жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган «Қуёш иссиқлик энергияси» қўшма корхонаси йилига 50 минг дон қуёш коллектори (сув қиздиригич) ишлаб чиқариш қувватига эга.

Корхонада ишлаб чиқарилган актив ва пассив коллектор жамланмалари тикланмайдиган энергия ресурсларини тежайди. Энг муҳими, истеъмолчи учун сифатли ва меъёрдаги иссиқ сувни етказиб бериш бундай технология озиқ-овқат ва энгил сановат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўзига ҳо қулайликларга эга. Бу қўрилмалардан нафақат ишлаб чиқариш, балки уй-жой ва бошқа иншоотларни

иситишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ишлаб чиқариш жараёни компьютер орқали бошқариладиган корхонада 39 янги иш ўрни яратилди. Янги ишга қирганларнинг ахсарияти касб-хунар коллежи битирувчиларидир.

— Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 18 мартда қабул қилинган «Жиззах» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида» қонунининг асосида бу ерда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этган ҳолда ички ва ташқи бозорда рақобатбардош, юксак технологияли ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда, — дейди «Жиззах» махсус индустриал зонаси дирекцияси раҳбари Алжон Абдуллаев. — Жорий йилда индустриал худудда 10 корхона ишга туширилиши режалаштирилган. Бу минтақадаги бой ҳомаёш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини ошириш имконини беради.

Ушбу ирчи корхонанинг ишга туширилиши Ўзбекистон ва Хитой давлатлари ўртасида изчил ривожланиб бораётган ҳамкорликнинг яна бир ифодаси бўлди.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА муҳбири

Ҳудудий партия ташкилотларида

Янги етакчилар

➤ Ҳисобот йиғилишлари

Сиёсий партияларга берилаётган эътибор, ҳуқуқ ҳамда ваколатларининг кенгайтирилаётгани фуқаролик жамиятининг ушбу муҳим институти зиммасидаги масъулиятни оширмоқда. Давр талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам тарғибот-ташвиқот тадбирларини кучайтиришга, жамиятда социал-демократия ғояларини ёйишга, фаолларининг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширишга бирламчи эътибор қаратиб келаяпти. Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг 2014 йил 4 июль кунини бўлиб ўтган XII Пленуми қарори билан июль-август-сентябрь ойларида бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш вазифаси белгилангани ҳам бунинг ёрқин исботидир.

Пленумда БПТларда ҳисобот йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш борасида ҳудудий партия ташкилотлари олдига бир қатор вазифалар юклатилди. Ушбу муҳим партиявий кампания жараёнида партия аъзолари ва БПТлари хатловини ташкил этиш, ушбу сиёсий тадбирни юқори даражада, уюшқоқлик билан ташкил этиш чораларини кўриш, БПТ етакчилари, туман ва шаҳар партия кенгашлари раисларини тегишли услубий кўлланмалар билан таъминлаш, БПТларга фаол, ташаббускор, партия мафқураси билан яхши таниш бўлган, унинг фаолиятини тарғиб қилишга қодир кадрларни етакчи сифатида сайлаш шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги туб ислохотлар жараёнида сиёсий фаоллик ҳаммаси ва ҳар биримиз учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Жойларда ўтказилган ҳисобот йиғилишлари мобайнида ҳам асосий эътибор партия Дастурида белгилаб олинган вазифалар ижроси, ғоявий-сиёсий ишларни йўлга қўйиш борасида эришилган натижаларни кенг ва атрафлича таҳлил этишга қаратилди. Шак-шубҳасиз, бу муҳим жараёнда очиклик ва ошқоралик тамойилларига амал қилинди.

Ҳисобот йиғилишларида маҳаллий ҳокимлик идоралари масъул ходимлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари, Ўзбекистон "Адолат" СДП Марказий аппарати, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари мутасаддилари, ҳамкор жамоат ташкилотлари вакиллари фаол иштирок этиб, му-

ҳокама этилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шунингдек, йиғилишлар давомида партия электорати манфаатини ишончли ҳимоя қилиш, партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларини рўйбга чиқариш, бошланғич ташкилотларнинг сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинганлигини таъкидлаш лозим.

Маълумки, сиёсий партияларнинг жамиятдаги обрўи эътибори уларнинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси, аҳоли ўртасидаги нуфузи ва салоҳияти, давлат ҳамда ҳокимият бошқарувидаги иштироки билан белгиланади. Ўз ўзини танқид руҳида ўтган ҳисобот йиғилишлари давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар, уртага ташланган амалий таклифлар муҳим ва ҳаётийлиги билан айниқса эътиборга моликдир.

Кўни кеча ўз акунига етган ҳисобот йиғилишларида 89661 нафар партия аъзолари ва хайрихоҳлар иштирок этди. Тадбир 102188 нафар аъзони бирлаштирган барча 3237 та бошланғич партия ташкилотларини қамраб олди. Ўтказилган ҳисобот йиғилишлари натижасига кўра, 377 нафар бошланғич партия ташкилотига янги раис сайланди. Бу ҳам бўлса, Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан кадрлар танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга тобора катта аҳамият қаратилаётганидан далолат беради.

Йиғилишларда, шунингдек, партия Дастури ва Сайловолди платформасида ташкил этиш ва тилган муҳим вазифалар ижросини таъминлаш, жумладан,

сайланди



ёшлар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, партия аъзоларининг сиёсий онги ва ғоявий дунёқарашини бойитиш, малакали кадрлар захирасини шакллантириш, партия сафларини сифат жиҳатдан мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалаларга ҳам асосий урғу берилди. «Соғлом бола йили» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш, ислохотларни чуқурлаштириш, партиянинг 2014 йилги ҳаракат дастурини тўла амалга ошириш борасида ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари зиммада алоҳида масъулият юклатилгани таъкидланди. Бошланғич партия ташкилотлари томонидан партиянинг янги таҳриридаги Устави ва Дастур лойиҳасига тақлиф ва тавсиялар билдирилди. Қўйи бўғин етакчиларидан 2860 нафарига қайта ишонч билдирилиб, уларнинг иш тажрибасини омалаштиришга қарор қилинган.

Шу билан бирга, сиёсий ўқувлар давомида намунали партия ташкилотларининг тарғиботчилик билан ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Бошланғич партия ташкилотларида ўтказилган ҳисобот йиғилишлари ана шу маънода "адолат"чилар учун жиддий синов бўлди десак, асло муболаға бўлмайдими. Эътироф этиш керакки, йиғилишларни уюшқоқлик ва намунали тарзда ташкил этиш ва ўтказишда Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғис-

тон Республикаси партия кенгашлари фаоллигини алоҳида қайд этиш лозим. Бироқ, бу жараёнда Бухоро вилоятининг Қоровулбозор ва Ғиждувон тумани, Фарғона вилоятининг Тошлоқ ва Учкўприк тумани, Андижон вилоятининг Хонабод ва Улугнор туман партия кенгашлари баъзи камчиликларга йўл қўйдилар.

Айрим ҳудудлардаги партия фаолларининг юқоридагидек муносабатиға бефарқ қараб бўлмайдими, албатта. Шунинг учун ҳам БПТ аъзоларининг, айниқса, етакчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга, сиёсий ўқувларни ташкил этишга эътиборни кучайтириш керак. Зеро, ишни ташкил этиш, юқори партия ташкилотлари талабларини бажариш учун партиявий тажриба билан бир қаторда сиёсий билимларнинг ҳам тўқис бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, сиёсий ўқувлар давомида намунали партия ташкилотларининг ютуқлари, эришган натижалари, иш фаолияти ўрганилиб омалаштирилиши лозим. Чунки аҳоли орасида ўтказилаётган тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш, мазмунини оммабонлаштириш, шаклларини ўзгартириш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундан кўзланган асосий мақсад — БПТларни партиянинг кучли қўйи бўғинига айлантиришдир. Бу эса пировардида сайловчилар билан партия алоқаларини мустаҳкамлайди.

Хулоса қилиб айтганда, БПТлар жамиятда шаклланаётган қарашларга янада фаол таъсир этиб, жойларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиши, ижтимоий муаммолар ҳал этилишига кўмаклашиши зарур. Улар ислохотларни янада чуқурлаштириш, социал-демократик ғояларни тарғиб этишда Ўзбекистон "Адолат" СДП ва электорат ўртасидаги мустаҳкам кўприк вазифасини ўтамоғи лозим. Шундангина жамиятда партиянинг обрўи эътибори мустаҳкамланаверади.

2014 йилда партия олдига улкан ва масъулиятли ташкилий-партиявий вазифалар турганини барчамиз яхши англаб турибмиз. Хусусан, шу йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказилиши белгиланган сайловлар барча кучларни сафарбар этиш, партия барча тизимларида ишни пухта ташкиллаштиришни талаб қилади.

Салоҳиятли депутатлик корпусларини сайлаш бўйича сайлов кампаниясини ташкиллаштириш ва ўтказиш вазифасини бошланғич партия ташкилотларининг фаол позициясини амалга ошириб бўлмайдими, албатта.

Иброҳим ҒАЙБУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сиёсий Кенгаши Марказий
аппаратининг ташкилий ва
ахборот-таҳлилий
сектори мудири

Ўзбекистон «Адолат» СДП хабарлари

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикасининг олис туман ва овулларида ҳам истиқлолимизнинг 23 йиллиғига бағишланган байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Мустақилликнинг моҳияти, ўтган йилларда халқимиз эришган ютуқ ва муваффақиятларнинг аҳамияти, тинч-осойишталикнинг кадр-қимматини аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида жойларда ўтказилаётган маънавий-маърифий учрашувлар ҳамда байрам тадбирларида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва унинг қўйи ташкилотлари ҳам фаоллик кўрсатишмоқда.

Мустақиллик байрамига бағишланган ана шундай тадбирлардан бири Хўжайли туман партия кенгаши томонидан Саломатлик маркази мажлислар залида "Келажаги ойдин, тонглари чароғон, Ватан" мавзусида ўтказилди.

Тумандаги тиббиёт муассасалари фаоллари иштирок этган байрам тадбирида Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари Р.Отарбаев мустақиллик йилларида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар, ёшлар таълим-тарбияси, хотин-қизларнинг жамият ва давлат ишларидаги иштирокини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳамда Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги туган ўрни ҳамда мустақилликни қўлга киритиш йўлида муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида босиб ўтилган машаққатли йўл хусусида йиғилганларга ҳаётий мисоллар асосида сўзлаб берди.

Хўжайли туман партия кенгаши раиси Л.Қутлимуратова мамлакатимиз тараққиётининг юксалишига асос бўлаётган тинчликнинг қадрига етиш, ёшларимизни салбий иллатлардан, уларнинг онгини захарлашга қаратилган ахборий, мафқуравий хуржлардан асраш, она Ватанимизга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида ўз фикрларини билдирди.

Тадбирда сўз олган тиббиёт ходимларидан иборат партия-миз фаоллари мамлакатимизда тиббиёт соҳасига қаратилаётган юксак эътибор, аҳоли саломатлиги йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида тўқилганиб фикр юритдилар ва соҳада эришилаётган ютуқлар, айниқса, "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ислохотларни эътироф этдилар.



Шапира ТОРЕШЕВА

Мустақиллик айёми мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, турли соҳа вакиллари даврасида ўзига хос ва муносиб тарзда нишонланмоқда. Чунки ушбу улғу заминда туғилиб ўсганига ва ҳар бир сокин тонгни шу қутлуғ диёрда кутиб олаётганига шўкроналар айтгучи ватандошларимизнинг байромоно кайфиятлари ҳам бугун ўзгача.



Мана шундай юртдошларимизнинг бир гуруҳи Қува тумани шифокорларидир. Туман шифокорлари байрамга ҳар йилгидан ҳам бошқача тайёргарлик кўрдилар ва ёшларга хос ташаббускорлик ва ғайрат кўрсатиб, мустақилликимизнинг 23 йиллиғига бағишлаб Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилояти кенгаши ҳамда Қува тумани тиббиёт бирлашмаси билан ҳамкорликда "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шiori остида футбол мусобақаси ташкил этдилар.

Майдонда тиббиёт бирлашмасининг "Тиббиётчи", тез тиббий ёрдам марказининг "Мададкор", туман стоматология марказининг "Соғлом авлод", кўп тармоқли поликлиниканин "Ёш адолатчилар", перенотал марказининг "Ватанпарвар" ва бошқа қишлоқ врачлик пунктларидан сараланган хаваскор футбол жамоалари ўзаро голиблик учун тўп сурдилар. Ушбу мусобақанинг очилиш маросими Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати вакиллари, ҳудудий партия кенгашлари раислари, Фарғона вилоят партия кенгаши ходимлари, туман мутасаддилари иштирокида чинакам байрам тадбирига айланиб кетди.

Мусобақа голиблари Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилояти кенгаши ва Қува тумани тиббиёт бирлашмаси томонидан қимматбахо совғалар, фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Комила ИСРОИЛОВА

➤ Мукофот муборак!

Мустақилликимизнинг 23 йиллиғи байрами арафасида асакалик партиядошимиз Муқаддасхон Абдуллаеванинг хонадонини тўйхонага айланди. Яқинлари, қариндошлари ва дўстлари қўлида гулдасталар билан опани қутлашга келди. Унинг Президентимиз Фармонига асосан "Шўҳрат" медали билан тақдирлангани тўғрисидаги хабар жуда тез тарқалди.

Муқаддасхон опанинг ҳаёт йўлига назар ташлаймиз. Жуда оддий ва ибрат оларли. 1982 йили Андижон қишлоқ хўжалик институтини (собиқ пахтачилик институти) тамомлагач, ўз иш фаолиятини Асака прицеплар заводига назоратчиликдан бошлади. Масъулиятчилиги, изланувчанлиги ва ташаббускорлиги билан жуда тез ҳамкасблари ҳурматини қозонди. Зиммасига қандай вазифа юклатилмасин ўзига билдирилган ишонччи оқлашга одатланди.

Кейинроқ ёшлар етакчиси, ўқитувчи ва муҳандис вазифаларида ҳам ишлади. Қаерда ва қандай вазифада ишлама-

син доим янгиликка интилангани сабаб жамоадoshлари эътиборини қозонди.

2001 йилда Асака шаҳар хотин-қизлар кўмитасида иш бошлади. Шу кундан бошлаб аёлларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзи ва оила мустаҳкамлигини таъминлаш каби ишлар фаолиятининг мезонига айланди. Маҳалларда жамоатчилик асосида ишловчи Оила дорилфунунлари ва Қайноналар мактаби ташкил этди, оилавий ажримлар сонини кескин камайтиришга эришди.

2013 йили уни Асака туман ҳокимлиги маънавият тарғибот маркази раҳбарлигига

Маънавият

инсонни улғулайди



тақлиф этганларида биров иккиланди. Негаки, кўп йиллик тажрибасига қарамай бутун туман аҳли маънавиятнинг юксалтиришга бошчилик қилиш, давлатимизнинг бугунги сиёсатини фуқаролар онгига синдириб бориш осон эмас. Шундай вақтда турмуш ўртоғи Мирзараҳмон унга

қанот бўлди. Ўзи ҳам раҳбарлик лавозимларида ишлагани боис, иккиланишига қарши бориб, биргаликда турли тадбирлар ва тарғибот ишларини ташкил этди.

М.Абдуллаева бугун вилоятдаги энг тажрибали маънавият тарғиботчисиға айланган. У кириб борган даврада соғлом муҳит қарор топади, атрофдагилар эзгуликдан сўз очади. Энг асосийси, одамлар бир-бирларига меҳр улаша бошлайди. Бу маънавий юксаликнинг белгиси эмасми?!

— Муқаддасхон Абдуллаева Ўзбекистон "Адолат" СДП Асака туман кенгаши раиси сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Унинг ҳаракати билан кейинги икки йил давомида туманда 4 та янги бошланғич партия ташкилоти тузилди, партия аъзолари сони 500 нафардан орди, — дейди Ўзбекистон

"Адолат" СДП Андижон вилояти кенгаши раиси Алишер Шодмонов. — Вилоятдаги лидер аёллардан бири сифатида партиявий тадбирларда ҳам фаол. Амалдаги "Соғлом бола йили"да жойларда ўтказилган саломатлик тадбирларида ҳам тарғиботчи сифатида кенг жамоатчилик эътиборини қозонди. Партия-мизнинг мақсад ва вазифаларини фуқароларга тушунтириб бориб, хайрихоҳларимиз сафининг кенгайишига ўз хиссасини қўшди.

Ҳа, давлатимиз томонидан М.Абдуллаевага берилган бу юксак мукофот бутун андижонлик "адолатчи" аёлларга берилган баҳо, демакдир. Бу ўз-ўзидан уларни янада фаолликка ундайди.

Акбаржон НАЗАРОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Андижон вилояти кенгаши
матбуот котиби

Олган ҳам, берган ҳам, воситачилик қилган ҳам жазоланади

порахўрлик
жиноятлари
учун
жавобгарлик
янада
такомиллаштирилди

Қонун кучга кирди

Коррупция, порахўрлик ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятини илдиридан емирадиган, уларнинг халқ олдидagi обрўсига путур етказадиган, айниқса, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига дахл қиладиган ҳамда нисбатан кўп тарқалган ўта хавфли жиноятдир.

Шу сабабли, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан бу иллатга қарши кескин ва муросасиз кураш олиб борилмоқда. Бирок яқин кунларга қадар бундай кураш асосан мансабдор шахсларнинг пора олиш ҳолатларини аниқлаш ва уларни жавобгарликка тортиш билан чегараланаётган эди.

Ўз навбатида, мансабдор шахсларни пора олишга қизиқтирувчи, воситачилик қилувчи ва бевосита пора берувчилар аксарият ҳолатларда жиний жавобгарликдан қўтилиб қолишаётганди. Шунинг баробарида бу турдаги жиноятларни қайтаришга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳар доим ҳам қўйилган ижобий натижаларни бермади. Қолаверса, бу — жиний учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилига зид ҳисобланади.

Шуларни эътиборга олиб, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги 2014 йил 14 май кунги қабул қилинган қонун билан Жиний кодекснинг пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш учун жавобгарлик белгиланган 211, 212-моддаларига ўзгартишлар киритилди.

Бу билан пора берувчи ва пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахсларга нисбатан тайинланадиган жазо тури, миқдори ва муддатлари ўзгартирилиб, уларнинг жавобгар-

лиги пора олувчи мансабдор шахсларнинг жавобгарлигига тенглаштирилди.

Амалдаги Жиний кодекснинг 211-моддасида пора берувчи шахс; 212-моддасида пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахс, башарти, жиний ҳаракатлар содир этилганда кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод этилишига оид рағбатлантирувчи қоида мавжуд эди.

Янги қонун билан ушбу қоидага ҳам ўзгартириш киритилиб, пора берувчи ва пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахслар учун белгиланган мазкур рағбатлантирувчи қоида қўллаш асослари чегаралаб қўйилди. Эндиликда, пора берувчи ва пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахслар бундай жиний ҳақида ҳар қандай вақтда хабар берганлиги учун жавобгарликдан озод этилмайди. Балки, жиний ҳаракатлар содир этилганда кейин ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилсагина жавобгарликдан озод қилинади.

Хуллас, янги қонун билан пора берувчи ва пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахслар жиний ҳаракатлар содир этилган вақтдан бошлаб ўттиз сутка ўтгандан кейин хабар берган бўлсалар, улар жиний жавобгарликдан озод этилмасдан, умумий тартибда пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик



қилганлик учун жавобгарликка тортилади.

Айтиш жоизки, қонунда жавобгарликдан озод қилишнинг аниқ муддати белгилаб қўйилиши, пора берувчи ва пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахсларда жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳиссини, порахўрлик жиноятлари профилактикасини оширишга хизмат қилади.

Энг муҳими, бундай шахсларга порахўрлик жинояти ҳақидаги хабарни қатъий белгилаб қўйилган муддатда бериш мажбуриятини юклаш орқали жиноятларни ўз вақтида аниқлашга эришилади.

Шу ўринда, мазкур қонун талаблари тушунарли бўлиши учун, пора берган ёки пора олиш-беришда воситачилик қилган шахсни жавобгарликдан озод қилиш шартлари Жиний кодекс 211-моддасининг 4-қисми ва 212-моддасининг 4-қисмида қатъий белгиланган талабларнинг барчаси мавжуд бўлгандагина, яъни:

- товламачилик йўли билан пора талаб қилинган ҳолат да-

лиллар асосида тўлиқ тасдиқланса;

- ариза қонунда назарда тутилган муддатда, яъни ўттиз сутка ичида тақдим қилинса;
- ҳар қандай ноқонуний ташқи таъсирлардан (жисмоний, рухий) холи тарзда ўз ихтиёри билан арз қилинса;
- пора берганлик ва воситачилик қилганлик ҳақида ариза берган шахс содир этган жиний қўлмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлса;
- пора берганлик ва воситачилик қилганлик ҳақида ариза берган шахс ушбу жиноятни очишда фаол иштирок этса жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Қонуннинг ушбу бешта талабидан бирортаси мавжуд бўлмаса, пора берганлик ёки воситачилик қилганлик ҳақида пора олиш-беришда воситачилик қилган шахснинг ўз ихтиёри билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга шахсан келиб ёзма ёки оғзаки шаклда қилган муурожаоти тушунилади.

Тергов ёки суриштирув даврида аниқланган ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга

олдидан маълум бўлган пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш ҳолатлари юзасидан қилинган муурожаат жиний жавобгарликдан озод қилишга асос бўлмади ва бундай шахсларнинг жавобгарлик масаласи қонунда белгиланган умумий тартибда ҳал қилинади.

Ҳар қандай жиний иш бўйича дастлабки тергов ва суриштирувга жалб қилинган (гумонланувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ) шахс, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга ҳуқуқбузарлик учун келтирилган шахс пора берганлик ёки пора олиш-беришда воситачилик қилганлик ҳақида арз қилса, бундай муурожаат инобатда олинмайди ва у жиний жавобгарликдан озод қилинмайди.

Чин кўнгилдан пушаймон бўлиб жиноятни очишда фаол ёрдам бериш деганда — ўзига нисбатан пора сўраб товламачилик қилган ёки пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга ўз ихтиёри билан келиб, содир этилган жиний ҳақида баён қилиши, қилмишига пушаймонлик билдириши, жиноятларнинг олдини олиш ва жиноятни очишга ёки унинг ташкилотчиларини ёхуд бошқа иштирокчиларини фож қилишга фаол ёрдам бериши тушунилади.

Муҳтасар айтганда, мазкур қонунни қабул қилишдан асосий мақсад коррупциянинг, айниқса, порахўрлик жиноятларининг тул илдишини қирқиш, жиний содир этган мансабдор шахсларни жиний жавобгарликка тортиш ва бу турдаги жиноятлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш баробарида жамиятда қонун ва адолат устуворлигига эришишдир.

Исматулла МАМАНОВ,
Жиний ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг судьяси



Давоми. Боши утган соғларда.

7. "ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ..."

Мени йўловчи сифатида Тошкентдан Кўконга олиб бораётган киракаш йигитнинг бу ҳикояси сира ёдимдан чиқмайди.

"Йигирма йилдирки, шу иш билан шуғулланаман. Ҳафтасида уч марта Тошкентга келиб кетаман, тирикчилигим ёмон эмас. Яхши одамлар ҳам, нияти бузуқлар ҳам учраб туради. Гап-сўзларини тинглаб бораман. Аммо, мен сизга айтсам, яхшилар кўп. Улардан кўп нарсаларни ўргандим, ака, ёмон бўлмадим.

Йигирма йилдирки, эрталаб йўлга чиқаётиб, отамдан дуо оламан, "Илоҳим, йўлингни берсин, болам, бало-қазорлардан ўзи асрасин", дея ният қиладилар. Утган йили бир иш бўлди, бир иш бўлди, ака...

Бир кун кечқурун касбдошларимдан бири кўнғироқ қилиб, "Меҳмонхонада иккита нозик меҳмон бор, эрта азонда Тошкентга жўнашлари керак. Бойвачча йигитлар, яхши пул тўлашади. Илтимос, бир хизмат қил, хурсанд бўласан", деди. Ҳўб дедим.

Эрта азонда отамни безовта қилгим келмади. Йўлга тушдик. Бўёғини айтиб ўтирмай, бир эмас, икки-уч бор ўлимдан қолдим десам, ишонаверинг. Бунинг устига, номардлар, йўл ҳақимни ҳам беришмади, аксинча, ҳақорат қилишди, зўрга қочиб қутулдим...

Йўлга, сафарга отланиш олдида ота-онанинг дуосини олиш, болаларнинг пешонасини силаб қўйиш, умр йўлдошингизга: "Худо хоҳласа фалон вақтда қайтаман, яхши ўтиринглар", деб қўйиш халқимизнинг бошқалар ҳавас қиладиган эзгу қадриятларидан бири.

Йўлга дуо олиб чиққан кишининг дили равшан, кўнгли хотиржам бўлади. Машинани хотиржам бошқариш, ҳаёллари чурваллашиб кетмайди. Тажрибали, кўпни кўрган хайдовчилар шогирдларига бежиз: "Кўнглинг бир нимадан ғаш бўлиб турган бўлса, кайфиятинг кўтармаса, йўлга чиқма", деб насиҳат қилишмайди.

8. КИЙИНИШ ОДОБИ

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида хайдовчилар жуда бежирим кийинишади. Қайси корхонада ишлашлари, иш жойлари билан боғлиқ телефон кийимларининг кўрак қисмига ёзиб қўйилган бўлади.

Мамлакатимиз дунё ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси сифатида ривожланиб бораётган экан, бизда ҳам шундай бўлиши керак. Хориждан келган меҳмонлар ўз юртиларига қайтганда, уларга савдо дўконда, бозорда, транспорт воситасида, меҳмонхонада, ресторан ёки кафеда кўрсатилган маданий-маиший хизмат даражасига қараб, у ёки-бу мамлакатга баҳо берадилар.

Кийим инсонга хусн бағишлайди, шунингдек, кийинувчининг ички дунёсини, дид-фаросатини кўрсатиб туради. Яхши кийинган киши билан суҳбат тез қовушади.

Йўловчиларга хизмат кўрсатаётган хайдовчилар уй кийимида, сочлари тўзғинга, соқоллари ўсиб кетган кўренишда рулга ўтирмастиклари керак. Таъби нозик йўловчи бундай хайдовчиларга ҳадик кўзи билан қарайди. Йўлга бир ўзи чиқаётган бўлса, бошқа автоуловга ўтиришни маъқул кўради.

Йўловчилар орасида сигарета тутунига тоқат қила олмайдианлари кўп. Афсуски, баъзи хайдовчилар, айниқса ёшлар, рулни бошқариб борар эканлар, сигаретани бурқитиб чека бошлашади. Нос отиб, ташқарига туфлашади. "Бақлашқа"даги сувдан оғизларини ёқимсиз гарғара қилишади.

Хайдовчи бундай одатлардан ўзини тийиши зарур.

9. МУОМАЛА ОДОБИ

Хайдовчиликда муомала одоби бирламчи аҳамиятга эга. Икки нотаниш киши — хайдовчи ва йўловчи бир оғиз ширин сўз ёки ёқимли муомала билан эски қадрдонлардай бўлиб кетиши мумкин. Баъзан эса бунинг тамомила тескариси бўлади.

Машинага турли ёшдаги йўловчилар чиқади. Улар орасида кекса отахон-онахонлар, ноғиронлар, болали (ҳомилдор) аёллар бўлиши мумкин. Баъзан шундай бўладики, уларнинг қўлидан юкларини олишга, машинага ўтиришларига, қиш пайти қалин кийимларини ечиб олишларига кўмаклашиш зарур бўлади. Тарбияли хайдовчи шундай қилади. Аммо машинадан тушмай, ўрнидан кўзголмай ўтирадиганлари ҳам йўқ эмас.

Баъзида бориши керак бўлган манзилни аниқ тасаввур қилмайдиган йўловчилар ҳам учраб қолади. Кекса кишилар кўча, бекат ёки бирор корхона манзилни янглиштириб юборишади. Ҳозир кўп жойларнинг номлари ўзгарган, баъзи йодларалар бошқа жойга кўчиб ўтган. Бундай пайтда хайдовчи уларга ҳолис ёрдам бериши, манзилларига адашмай етиб олишларига кўмаклашиши, зарур бўлса, машинани бир зумга тўхтатиб, керакли жойга кўнғироқ қилиши, баъзи маълумотларни сўраб олиши керак.

Яна шундай ҳолат ҳам юз бериши мумкин — машинага ўтирган кекса отахон ёки онахоннинг қўлтирмаганда тоби қочиб қолади. Касбига садоқатли, диёнатли хайдовчи ўзини йўқотмай, тезда беморни шу яқин-атрофдаги шифохонага ёки медицина муассасасига олиб боради, уй телефонини сўраб, кўнғироқ қилади.

Баъзан йўловчи бирор нарсани қидириб йўлга тушади. Лекин у бораётган манзилда айнан шу нарсанинг йўқлиги хайдовчига маълум бўлади. Бундай пайтда хайдовчи йўловчига маслаҳат бериши зарур.

10. БИРОВНИНГ ОМОНАТИ

Йўловчи деганингиз ҳаммиша қайқадир шошиб туради. Кексалар паршонхотирлик қилишади. Ёшларнинг ҳаёли телефонда бўлади. Келинчакни инжиқлик қилаётган боласи чалғитади. Шу боис, кўплар машина салоинида, баъзан эса юкхонада ниманидир унутиб қолдиришади.

Таниш хайдовчилардан бирининг менга ҳикоя қилиб бергани: "Ўттиз йил автобус рулини бошқардим. Йўловчилар унутиб қолдирган нарсаларни бир жойга жамласам, бир машинага юк бўлади. Нималарни унутишмайди, дейсиз. Зонтик, сумкача, ечиб қўйилган кийим, шляпа, дўппи, кўзойнак, тугун, китоб, самолёт билети, турли ҳисоботлар. Бир гал бир оқсоқол... ухлаб қолган набирасини қолдириб, ўзи тушиб кетибди. Бошқа бир гал чет эллик бир олимсифат киши "Чорсу" бозорига бир зумга кириб кетди-ю, йўқолди-қолди. Хотини билан икки соат қидириб, аранг топдик. Бунақа воқеалар тез-тез бўлиб туради..."

Бундай пайтда хайдовчининг виждон ва иймони имтиҳондан ўтади.

Давоми бор.

Оға АҲМАД

Сўранг, жавоб берамиз!

Кимлар адвокат бўлиши мумкин ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ким томонидан берилади?

Ж.Каримов,
Жиззах шахри

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги қонуни 3-моддасига мувофиқ, олий юридик маълумотга эга бўлган ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга Ўзбекистон Республикасининг фуқароси адвокат бўлиши мумкин. "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасига мувофиқ, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан тегишли малака комиссияларининг қарорлари асосида берилади.

Адвокатлик бюроси нима, адвокатлик сири-чи?
З.Холбўтаев,
Зарбдор тумани

"Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 41-моддасига мувофиқ, адвокатлик фаолиятини яқка тартибда амалга ошириш учун адвокат томонидан тасвир этилган, нотижорат ташкилоти бўлган адвокатлик тузилмаси адвокатлик бюроси ҳисобланади.

Адвокатлик сири жумласига ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) адвокатдан ёрдам сўраб муурожаат этганининг ўзи, ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ёрдам сўраб муурожаат этган масалалар, адвокатдан ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) олган маслаҳатлар, насиҳатлар ва тушунтиришларнинг моҳияти, адвокатнинг ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан ўтказган суҳбатида тўхтаб ўтилган барча масалалар қиради.

Қандай ҳолатларда адвокат мақоми тўхтатиб турилиши мумкин?
Л.Искандаров,
Пахтакор тумани

"Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 131-моддасига мувофиқ қуйидаги ҳолатларда адвокат мақоimini тўхтатиб туриш мумкин:
- адвокат адвокатлик фаолияти билан бирга олиб бо-

қўп қаватли уйлардаги квартираларни бирламчи бозорда ипотека кредити орқали сотиб олиш тартиби тўғрисида маълумотга эга бўлишни истардик.

О.Фозилова,
Самарқанд шахри

Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жойларни харид қилиш учун ипотека кредитлари бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 12 июлда 1835-сон билан рўйхотга олинган Марказий банк бошқарувининг 2008 йил 13 июндаги 14/5-сонли қарори билан тасдиқланган низомида белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қошида ишчи гуруҳи ташкил қилинган ва уларнинг тавсияларига эга бўлган фуқаро ипотека кредитини олади. Ишчи гуруҳлари томонидан уй-жойга муҳтож ва тўловга қобилиятли ёш оилаларни аниқлаш ва уларга тавсияномалар бериш юқоридаги низомида ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Дастлаб ипотека кредити олувчи томонидан банкда очилган мақсадли жамғарма омонат ҳисобварағига кўп қаватли уйдаги квартира қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги бошланғич бадал тўланади.

Бунинг учун ёш оила доимий иш жойига ҳамда ўз фаолияти натижасидан олинган даромадга ёки бошқа расмий даромад манбаларига эга, ҳар иккаласи биринчи марта расмий никоҳда бўлган, ипотека кредити бериш учун сўраб ариза берган санага қадар ҳар бири 30 ёшдан ошмаган ёшлар бўлиши шарт.

Ипотекали кредитлашни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан бериладиган кредит миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам оилалик иш ҳақининг 2500 бараваридан ошмаган миқдорда белгиланади.

Тижорат банкларининг ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлари ҳисобидан бериладиган ипотека кредити берилганда, тиббий йўсиндаги мажбурув чоралари суд томонидан бекор қилинунига қадар ёки ўзгартирилинунига қадар бўлган даврга;

- ушбу қонуннинг 15-моддасига мувофиқ лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилганда — лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилган даврга;

диган ипотека кредити миқдори банкнинг ички кредит сисъатидан келиб чиққан ҳолда банк ва қарз олувчи ўртасида тузилмаган кредит шартномасида белгиланади.

Ёш оилаларга ипотека кредити 15 йилдан кам бўлмаган муддатда 3 йиллик илтиёзли давр билан банкнинг ўз маблағлари ва Ипотека кредити бериши қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ва бошқа жалб қилинган маблағлар ҳисобидан ажратилади.

Ипотека кредити бериши қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан бериладиган ипотека кредитлари бўйича йиллик фойз ставкаси йилига кўпи билан 5 фоиз миқдорда бўлади.

Дастлабки бадалнинг бир қисмини ёки барча суммасини ёш оила аъзолари (эр ёки хотин)нинг иш беришчи бўлган юридик шахслар томонидан пул ўтказиш орқали ипотека кредити олувчи ёш оила аъзоси номига очилган мақсадли жамғарма омонат ҳисобварағига ўтказиб берилиши мумкин.

Саволга Самарқанд шаҳар 5-сон ДНИ нотариуси **Алишер ЭШИМОВ** жавоб берди.

ундан чиққанида — адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киреунига қадар бўлган даврга.

Саволларга Жиззах вилояти адлия бошқармаси бўлим катта маслаҳотчиси **С.РАҲИМОВ** жавоб берди.

Давоми бор.

Оға АҲМАД

Тиббиёт

Илгари худудимизда ихтисослашган бундай шифохона бўлмаганидан юқумли касалликка чалинган одам пойтахтга боришга мажбур эди. Бошқалари ҳам кўрмисизгина бинода жойлашган бўлиб, хоналари зах, ҳотто ёруғлик етишмасди. Шароитларни-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Бу манзарани кунда кўравериб кўзимиз ўрганган, эшитиб-вериб қулоқларимиз кўникиб қолганди...

Пискентда замонавий шифохона

Буларни Пискент туманида бунёд этилган юқумли касалликлар шифохонасининг очилиш маросимида иштирок этган, шу худудда яшовчи меҳнат фахрийси Саид ота Турдиев ҳикоя қилиб берди.

— Оғу шууримизга ўрнашиб қолган мана шундай дилгир хотиралар истиклол туфайли унут бўлди, — дейди у мамнунлик билан. — Кишлоғимизда замонавий шифо масканлари барпо этилди. Бугун ҳамкишлоқларим чехрасидига қувонч, дунёқарашидаги ижобий ўзгаришларни кўриб, қалбим гурурга тўлади.

Очилиш маросимида Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилётган кенг қамровли ислохотлар самарасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги юксалиб, шифохоналар моддий-техник базаси мустаҳкамланаётгани, тиббиёт ходимларининг билим ва малакаси ошиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Шифохона "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида Президентимизнинг жорий йил 1 августда қабул қилинган "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, она-лар, болалар ва ўсимирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарорига асосан барпо этилди. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ушбу шифо маскани туман аҳли учун Ватанимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига муносиб тўхта бўлди.

Б.ҲИДОЯТОВ,
ЎЗА муҳбири

Алишер ОТАБОЕВ:
«Саҳна — муқаддас...»

Давоми. Боши 1-бетда

— Авваламбор, юксак унвон билан тахририят жамоаси, қолаверса, кўп сонли ўқувчиларимиз номидан чин қалбдан табриклашга руҳсат берасиз. Ижодингизга зафарлар, оилангизга тўқин дастурхон, юртимизга тишчилик-хотир-жамлик тилаймиз! Мукофотга сазовор бўлганлигингиз ҳақидаги янгиликдан хабар топганингизда қалбингизда қандай ҳис-туйғулар кечди?

— Раҳмат. Самимий тилақларингиз ўзингизга ҳам ҳамроҳ бўлсин. Кечган ҳис-туйғуларимга тўхталадиган бўлсам, очиги, буни сўз билан қандай таърифлашга ожизман. Дўстларим, ҳамкасбларим кўнғирок қилиб, унвон билан муборакбод этишганида ҳам, илк бора "Халқ сўзи" газетаси орқали ўқиб билганимда ҳам кўзимдан севинч ёшлари тўкилаверди. Бу каби унвонлар биз санъаткорларга шараф, фахрийфтихор бағишлаши билан бир пайтда ўз устимизда тинимсиз изланишга, олижаноб, санъатсевар халқимизга алоҳида масъулият билан хизмат қилишга ундайди.

Бугун мустақил юртимизда нафақат санъат, маданият соҳа вакиллари, балки бошқа кўплаб касб эгалари, ёшларимиз, ўсимирларимиз ҳам дунё шох-супасига чиқиб, республикамиз байроғини кўкка кўтараяпти, Ўзбекистон фарзанди деган номни жаҳонга танитаяпти. Бундан чорак аср бурун ўзбекистонлик 6 яшар шахматчи бола ўз заковати, ақли, тайёргарлиги билан бутун дунёдаги тенгдошларини доғда қолдиради, дейишса ёки республикамизнинг чекка кишлоқларида тугилиб, вояга етган фарғоналик фарзандимиз Бектемир Мелиқўзиев сингари йигитимиз бокс бўйича ўсимирлар ўртасида Осиё ва жаҳон чемпиони бўлади, дейишса, ким ишонарди? Бугун бунга



ўхшаш мисоллар, замонамиз қаҳрамонлари кўп. Аини пайтда бундай натижаларга ўз-ўзиндан эришилмаганини ҳам ҳаммамиз биламиз. Юртбошимиз томонидан изчил, босқичма-босқич амалга оширилган ислохотлар, дунё микёсида "Ўзбек модели" деб ном олган ўз йўлимиз бугун бизнинг номимизни жаҳонга танитди, одамларимизнинг дунёқарашидан тортиб турмуш тарзи ўзгарди. Энг муҳими, юртимизда тинчлик-хотиржамлик, демак, оила-ларимизда барқарорлик ҳукм сураяпти. Аини дамларда дунёда содир бўлаётган нотинчликлар, қарама-қаршиликлардан қанчадан-қанча инсонлар жабр кўраётганини, ҳаловати бузилаётганини кузатар экансиз, уларга чин юракдан ачинган ҳолда беихтиёр Ватанимизнинг тинчлигига кўз тегмасин, деймиз.

— Замонамиз қаҳрамонлари кўпчилиги хуеусида тўхталиб ўтди. Сизнингча, замон қаҳрамони ким, кимларни кино, театр санъати ёрдамида ёшларимизга қандай ўрнақ қилиб кўрсатишимиз керак?

— Наздимча, бугун юрт равнакига, тараққиётга хизмат қилувчи ҳар бир инсон замонамиз қаҳрамони. Шу ўринда яқиндагина Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги байрами маросимида Президентимизнинг нутқида келтирилган бир жум-

ла ёдимга келади: "Юртимизда яшаётган ҳар қайси ёшу қари инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бошини баланд кўтариб, ягона Ватанимиз бўлмиш Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги оламшумул ишларда меҳнат ҳам муносиб хиссам бор, деб айтишга ҳақлидир". Менимча ҳам, шундай. Курувчи бўладими, спортчимиз, ким бўлишидан қатъий назар юртим деб, халқим, маҳаллам, оилам деб меҳнат қилаётган ҳар бир инсонни замон қаҳрамони, десак бўлади. Мана, сўнгги пайтларда суратга олинган "Чавандоз", "Жасур", "Умид", "Кўналга" сингари бадий фильмларда, юртимиз театрларида саҳналаштирилган кўплаб спектаклларда мен замонамиз қаҳрамонларини кўраман.

— Муҳлисларингиз сизни нафақат киноактёр, балки Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали драма театри актёри сифатида ҳам яхши билишади.

— Тўғри, отахон театрларимиздан бирида, ўзбек Давлат мусиқали драма театрида бир неча йил Раззоқ Ҳамроев, Ҳамза Умаров, Лутфихоним Саримсоқова, Файзулла Аҳмедов, Равшан Солихов, Абдушукур Шомуродов сингари таниқли санъаткорлар, замондошларимиздан Наима Пўлатова, Бахтиёр Ихтиёровлардек катта устозлар билан фаолият

юртдим ва бундан беҳад мамнунман. Улардан актёрлик маҳоратидан тортиб ҳаётий сабоқларгача олардик. Актёрлик сир-асрорлари, саҳнада ролни ўйнаш эмас, унда яшаш кераклигини, саҳнанинг нақадар муқаддас жой эканини, сабр-тоқатлиликни айнан шу театрда устозларимдан ўрганман.

Раҳматли устозим Абдушукур Шомуродов Театрдан бўш вақтингда бекор юрмагин, ўзингни кинода, дубляжда синанб кўр, халқимизга кўпроқ танил, чунки томошабин таниқли актёр роль ижро этган театрда кўпроқ ошиқади, қизиқади", дердилар. Шукрки, устозларимиз насихатига амал қилиб, ёмон бўлмадик, элдошларимиз кўча-кўйда танишади, икки оғиз бўлсада ширин сўзини аямаяк кетади, бундан дилинг қувнади. Бундай этирофлар замирида устозлар мактаби ётибди, деб ўйлайман.

Ўз вақтида, ёшлигимизда устоз санъаткорларга эрқалик қилиб, ҳазиллашган пайтларим ҳам бўлган. Ёдимдан чиқмайди, "Юсуф ва Зулайхо" спектаклида шох ёмон туш кўриб, унинг таъбирини билиш учун етти нафар ромчи-фолбинларни ўз олдига тўплайди. Мен ўша ромчилардан бири бўлман. Яна бир "фолбин"имиз ўша кунги спектаклга келолмай қолганди, шунда ўша актёримизнинг ўрнига Турғун

Бекназаров роль ижро этадиган бўлиб қолди. Ўша фолчининг охириги жумласи "Минг афсуски, пешонангиз шўр", дейилган эди, биз Турғун акага билдирмай, қўлидаги қоғозга рақам билан 1000 эмас, 100 қилиб ёзиб қўйдик. Тасаввур қилинг, шох ролда устоз Файзулла Аҳмедов ёмон туш кўргангидан қовоқлари уюлган, жажл отига миниб турган пайтда, фолбинлардан бири "Юз афсуски, пешонангиз шўр", деб турса бўладими?!

Очигини айтсам, устозларимга шу қадар суняиб қолган эканманми, улардан кейин театримиз хувиллаб қолгандай туйилди, ўзимни ёлғиз сеза бошладим ва театрдан секин-аста узоклаша бошладим. Шунинг учун орада танаффус бўлиб қолди. Сўнгги пайтларда театрда яна фаолиятимни давом эттириш, ўзимда бунга куч топиш ҳақида ўйлаб турибман. Ўёғини ҳали вақт кўрсатади.

— Сийсий партиялар фаолияти билан қизиқасизми? Улар орасида "Адолат" социал-демократик партиясининг ўрни ҳақида фикрингиз қандай?

— Деярли барча сийсий партиялар билан ҳамкорликда иш юритаман. Партиялар вакиллари турли хил учрашув, давра суҳбатларига таклиф қилишади, тез-тез қатнашиб

тураман. Ушбу суҳбатларда бир нарсага амин бўламани, юртимиздаги тўртала партиянинг ҳам мақсади — аҳолининг фаровонлигини яхшилаш, халқимизнинг мушкулларини осон қилиш, юртимизнинг иқтисодий, ижтимоий салоҳиятини ошириш ҳисобланади. Шунинг учун фалон партиянинг буни-сидан устун жиҳатлари бор, деб айтолмайман. Ҳар ким ўзига тегишли, мос сайловолди дастури мавжуд партияни қўллаб-қувватлаши қонун билан ҳимояланган.

Айни пайтда "Адолат" социал-демократик партиясининг хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, инновацион фикрловчи ёшларни қўллаб-қувватлаш сингари гоёлари, кенг жамоатчиликнинг эътиборини тиббиёт ва таълим соҳаларида кадрлар салоҳиятини оширишдек муҳим масалаларга қаратиши барчани бирдек қизиқтирса керак, деган фикрдаман. Шу билан бирга, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилаш, халқни қийнаётган масалалар бўйича ечим излашга кўмаклашишда, ташаббус кўрсатишда партиянинг депутатлик гуруҳлари янада фаолроқ бўлишса, нур устига нур бўларди.

— Ҳар бир инсон танлаган касбида унвон-ўсишида оила-сизда хотиржамлик муҳити, имконият, шароит яратилган бўлиши муҳим аҳамият касб этади...

— Тўғри айтасиз, оилада муҳит соғлом бўлса, ўша оиладан файз-барака нари кетмайди. Икки нафар қизинг отаси, 5 набиранинг бобошониман. Аёлим тиббиёт соҳасида меҳнат қилиб келади. Бўш вақтимда охинонага ҳеч қимни йўлатмай, овқат тайёрлаб тураман, бундан жуда ҳам завқланаман.

Аёл хонадон бекаси, фарзандлар онаси бўлиши билан бир қаторда авваламбор у ҳам инсон. Аёллар ҳам иш, оила, рўзгор ташвишларидан чарчашиб табиий. Шунинг учун ҳам гоҳ-гоҳида биз, эркаклар уларга ёрдамлашиб, дам олишни ҳам ташкиллаштиришимиз керак.

— Мазмунли суҳбат учун раҳмат.

Суҳбатдош,
Соодат СОДИҚОВА,
«Adolat» муҳбири

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи

ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни мамлакатимиз

мустақиллигининг 23 йиллиги

билан самимий муборакбод этади.

Ватанимиз осмони ҳаминша мусаффо,
хонадонларимиз осойишта, дастурхонларимиз файзу баракали бўлсин!



Хизматлар лицензияланган.



Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти кенгаши фаоллари

Фидойи ва меҳнатсевар, бунёдкор халқимизни, барча партия аъзолари ва тарафдорларини бизга ҳурлик, эркинлик, ободлик олиб келган, она Ватанамизни дунёга танитган, беқиёс ютуқ ва ўзгаришларга, юксалишларга йўл очган

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг шонли 23 йиллиги байрами билан чин қалбдан қутлайди.



Ушбу шукӯҳли кунларда барчага мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, бахт-саодат, омад ва байрамона кайфият тилаймиз. Ҳар кимнинг эркин фаолият кўрсатиши учун кенг имкониятлар яратиб берган, кўп миллатли аҳил ва иноқ халқимизни улғу ишларга руҳлантирган Истиқлолимиз абадий бўлсин!



Ҳурлик ва бахт байрами муборак бўлсин, азизлар!



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП Бухоро вилояти кенгаши фаоллари

Сиз, азиз юртдошларимизни, партия фидойилари ва хайрихоҳларини **ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 23 ЙИЛЛИГИ** байрами билан қизғин муборакбод этади!




Барчангизга **сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, қут-барака, бунёдкорлик ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайди.**



Юртимизни дунёга танитган, ҳурлар ичра ҳур, тенглар ичра тенг қилган Мустақиллигимиз боқий бўлсин!

➤ Имконият ва самара

Самарқанд шаҳрининг Чўпонота масканида жойлашган тош саралаш заводи мамлакатимиздаги муҳим темирйўл ва автомагистраллар қурилиши учун кўплаб миқдорда сифатли хомашё етказиб бермоқда. Корхона юқори даражада модернизациялаштирилгани иш унумини ошириш ва буюртмаларни ўз вақтида уддалаш имконини бермоқда.



— Хоразм, Қашқадарёдаги йўлсозлар учун йил бошидан буён бир неча ўн миңг куб сараланган тош етказиб бердик, — дейди завод раҳбари Асилбек Абдуғафоров. — Йўллар соз бўлса манзиллар ҳам яқин бўлади, иқтисодий алоқалар гуркираб ривожланади. Айни пайтда корхона жамоаси ойига 100 миллион сўмликдан ортиқ буюртмани ўз вақтида тайёрлаб, ўндан ортиқ қурилиш ташкилотларининг ишончини қозонмоқда. Суратларда: корхона жамоаси фаолиятидан лавҳалар.

З.ТўРАҚУЛОВ
олган суратлар

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета



Таҳрир хайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Мамазор ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖўРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Алишер МУМИНОВ.

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши

Бosh муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ

«Адолат»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

НАШР
КўРСАТКИЧИ:
100

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани
«Шарк тонеи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgz.uz;
adolat_gazeta@mail.ru

ISSN 2091-5217

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149);
Аxbорот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-46-64 (146);
Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс;
Котибхона — 288-46-64 (144).
Навбатчи муҳаррир — Р.Аҳмадалиев Навбатчи — Ф.Ҳидиров.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 8 декабрда рўйхатга олинган.



«Шарк» ИМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қўроғ бичими А-2. Ҳўжми — 4 босма табоқ. Оффсет усулида босилган. Буюртма Г — 900. Адади — 5830. Босишга тошпириш вақти — 22.00. Босишга тошпирилади — 22.15 1 2 3 4 5 Баҳорси келишган нарҳда



«МИКРОКРЕДИТБАНК»
акциядорлик тижорат банки

жисмоний шахслар учун юқори фоизли

«ҚУЛАЙ» «КАФОЛАТ» «ХАРИДОР»

номли янги омонат турларини таклиф этади.

Омонатга маблағлар 3 ойдан 3 йилгача муддатга қабул қилинади. Омонатга ҳисобланган фоизлар белгиланган тартибда миждоз хоҳишига кўра коммунал тўловлар ёки бошқа мақсадлар учун йўналтирилади.

Мурожаат учун тел:
273-05-70,
273-05-80

Хизматлар лицензияланган

«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

www.mikrokreditbank.uz